

ОИЛАЛАРДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ОМИЛЛАРИ



О.Х.Махмудов

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнология институти
доценти, и.ф.н.**

E-mail: maxmudovodiljon1965@gmail.com

Аннотация. Мақолада камбағалликни мазмун моҳияти, оилаларда камбағалликни юзага келиш сабаблари, республикада камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг даромад манбааларини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тизимли таҳлил этилган ва тегишли хулосалар асосида таклифлар берилган.

Калит сўзлар: камбағаллик, камбағалликни қисқартириш, кам таъминланганлик, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялаш.

Аннотация. В статье дан систематический анализ содержания бедности, причин бедности в семьях, проводимой в стране работы по сокращению бедности и увеличению доходов населения и даны рекомендации на основе соответствующих выводов.

Ключевые слова: бедность, сокращение бедности, низкий доход, социальная поддержка, социальная защита.

Abstract. The article provides a systematic analysis of the content of poverty, the causes of poverty in families, the work being done in the country to reduce poverty and increase the income of the population and make recommendations based on the relevant conclusions.

Key words: poverty, poverty reduction, low income, social support, social protection.

Кириш

Бир неча ўн йиллар давомида мамлакатимизнинг иқтисодий танг аҳволини ўтиш даври қийинчиликларига боғладик. Бахт-саодатга моддий фаровонлик билан эмас, биринчи навбатда, маънавий етуклик орқали эришилади, деган ақидага шунчалик маҳкам ёпишиб олдики, охир-оқибат давлат ҳам, жамият ҳам муаммолар гирдобига ботиб кетди. Ниҳоят вақт ўтиб англаб етганимиз шу ҳақиқат бўлди: инсон оддий минимал яшаш шароитисиз бахт тугул, хотиржамликка ҳам эриша олмас экан. Мамлакатимизда камбағаллик кўп йиллар давомида “ёпиқ мавзу” бўлиб келди. Бу категориянинг ўрнига “кам таъминланганлик”, “эҳтиёжмандлик”, деган тушунчалардан фойдаландик. Лекин камбағаллик даражаси камайиб қолмади.

Тан олайлик, кейинги тўрт йилдаги очиқлик сиёсати туфайли “қозонда бори чўмичга чиқди”. Халқ билан мулоқотнинг самарали механизми йўлга қўйилгач, ҳақиқий аҳвол, яъники одамларнинг аслида қандай ҳаёт кечираётгани, уларнинг энг оғриқли нуқталари ошкор бўла бошлади.

Мамлакатимиздаги ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдир. Шу боис, Президентимиз ташаббуси билан халқимиз турмушини яхшилаш йўлида жуда катта вазифаларни амалга оширишга киришилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва

камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида” ПФ-29-сон [1] ва 2021 йил 11 августдаги “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6277-сон [2] фармонлари ҳамда 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-31-сон қарори [3] бугунги кун талабидан келиб чиқиб қабул қилинган яна бир муҳим ҳуқуқий асосдир.

Кейинги йилларда бу борада давлат сиёсатини марказдан маҳалла даражасигача юритадиган вертикал тизим жорий қилингани — қувонарли янгилик. Ёшлар масалалари бўйича ҳар бир туманда алоҳида ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар масалаларига ҳар бир маҳаллада алоҳида раис ўринбосари масъул этиб белгиланиши ҳам эътирофга арзийдиган воқеилик. Бу эса, ўз навбатида, мазкур йўналиш доирасида маҳаллалар ва оилаларда муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечими бўйича таклифлар бериш ва керакли чора-тадбирларни амалга оширилишини тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Сўнги йилларда иқтисодчи илмий изланувчилар, тегишли вазирлик мутахассислари томонидан давлатимизда камбағалликни қисқартириш масаласида кенг кўламли изланишлар олиб боришмоқда. Хусусан, и.ф.д. М.Калонов ўзининг илмий тахлилий мақоласида “камбағаллик” тушунчасини шу кунгача “ёпиқ мавзу” бўлиб келганлигини ва у “кам таъминланганлик”, “эҳтиёжмандлик”, деган тушунчалардан фарқ қилади, дея таъкидлаган [4].

Ўзбекистонда аҳоли сонининг юқори суръатлар билан ўсиши туфайли демографик сиёсат оилани режалаштириш ва ўлим даражасини камайтиришга қаратилган бўлиши керак. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, давлатнинг демографик сиёсати – турмуш даражасини ошириш ва камбағалликни камайтириш воситаларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати эндиликда оилани режалаштириш сиёсатида мамлакатда камбағаллик даражасини камайтириш, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида қараши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган [5].

Н.Эрназарова эса мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишда энг асосийси тадбиркорликни ривожлантириш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик соҳалари, жумладан, оилавий бизнес соҳаси фаолияти муҳим аҳамият касб этиб, иқтисодий ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда етакчи ўринни эгаллаши ҳақидаги фикрни илгари сурган [6].

Иқтисодчи олим Р.Хасанов қўйидагича хулосалар берган: Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш ҳақида гапирганда, турли минтақаларда, шаҳар ёки қишлоқларда яшайдиган турли ёшдаги одамлар, эркаклар ва аёллар учун камбағалликнинг сабаблари жуда фарқ қилишини ҳисобга олишимиз керак. Шу нуқтаи назардан, қашшоқликка қарши кураш жуда мураккаб ва кўп қиррали вазифадир. Шу муносабат билан, муҳтож одамларга тўғридан-тўғри молиявий ёки табиий ёрдам кўрсатиш орқали қашшоқлик муаммосини ҳал қилишда жиддий ижобий натижага эришиш мумкин эмаслиги аён бўлади. Албатта, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш зарур, аммо камбағалликнинг турли хил

сабабларини ҳисобга олган ҳолда, унга қарши курашда ҳар қандай муҳим ютуқларга одамлар ўзларининг моддий муаммоларини мустақил ҳал эта оладиган ва ўзларини зарур даромадлари билан таъминлайдиган шароитлар яратилгандагина эришиш мумкин [6].

Тадқиқот методологияси

Оилаларда камбағалликни қисқартириш омилларини ўрганиш бўйича олиб борилган изланишларимиз давомида тадқиқот методологиясининг тизимли таҳлил, статистик кузатиш, статистик жамлаш ва гуруҳлаш каби усуллар қўлланилган. Натижада, мамлакатимиз аҳолисининг камбағалликдан қутқаришда авваламбор, халқнинг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни янада қўллаб-қувватлашга доир ишлар таҳлили илмий хулосалар шакллантиришга асос бўлди.

Таҳлил ва натижалар

Камбағаллик – бу ҳаёт учун муҳим бўлган, энг зарур минимал эҳтиёжларни қондира олмайдиган, ишга лаёқатли бўлиб, ўзи ҳохлаган ишларни давом эттириши мумкин бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳни иқтисодий ҳолатининг ўзига хос хусусиятидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда жаҳон бўйлаб камбағаллик ёки қашшоқлик тушунчаларининг умумқабул қилинган ҳамда ягона келишилган таърифи ишлаб чиқилмаган. Ҳар бир мамлакат ўзи учун белгиланган камбағаллик мезонидан келиб чиқиб тавсифлайди.

Ўрганишлар натижасига кўра, ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмас. Дунёнинг бошқа мамлакатларидаги сингари бизда ҳам камбағал қатлам мавжуд. Улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этиши ҳам рост. Бу 4-5 миллион нафарга тенг одам дегани. Қаранг, ана шу юртдошларимизнинг бир кунлик даромади ўтган йил бошида Президентимиз қайд этганидек, 10-13 минг сўмдан ошмас экан [4].

Камбағалликдан фақат ўша қатламга мансуб одамлар жабр чекади, дейиш янглиш тушунча. Бу нафақат аҳоли, балки давлатнинг ҳам катта дарди ва ҳатто, айтиш мумкинки, фожиасидир. Бу ҳолат халқнинг соғлиғи, меҳнатга лаёқати ва илмий салоҳиятига путур етказди. Шунингдек, унинг оқибати Давлат бюджетининг пасайиши ва сиёсий жараёнларнинг кескинлашишига сабаб бўлади. Чунки камбағал тоифа жадал иқтисодий ўсишдан фойда кўра олмайди. Жамиятнинг турли соҳаларида иштирок этиш имконияти ҳам чекланган.

Давлат эса бепул ўрта таълимни таъминлаш, тиббий хизматларни асосий пакетини кафолатлаш, ижтимоий заиф, деб таснифланган гуруҳларга ихтисослашган ёрдам ва кам таъминланган оилаларга имтиёзлар беришга мажбур.

Энг ёмони, камбағаллик ҳолатига тушиб қолишдан кўра, ундан чиқиб кетиш кўп қарра қийинроқ. Шу боис жамиятимизда камбағалликни қисқартириш аёллар ва ёшлар ролини ошириш, биринчи навбатда, уларга малака бериш ҳамда бандлигини таъминлаш зарур. Бу вазифани самарали ва сифатли бажармасдан туриб, аёллар ҳамда ёшлар манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий масалаларни тизимли ҳал этиш имконсиз.

Камбағалликка қарши кураш, уни қисқартиришга тизимли ёндошув ва аниқ чора тадбирлар белгилаш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январ Олий Мажлисга Мурожаатида биринчи марта кун тартибига қўйилди. Унда халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, камбағалликни аниқлаш мезонлари ва ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқиш, камбағалликка қарши кураш бўйича самарали воситаларни қўллаш амалиётини жориш этиш вазифаси белгиланган.

Давлатимиз раҳбари томонидан «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон қабул қилинди. Ушбу фармон халқнинг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни янада қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

Камбағалликни қисқартириш борасида ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди.

Ўзбекистонда камбағалликка қарши курашиш 2017 йилдан бошлаб мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналиши қилиб белгиланган. Республика ва ҳудудлар миқёсида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 15 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Муҳтожликни аниқлаш, шаффоқликни таъминлаш ва манзилли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш мақсадида “Ягона ижтимоий ҳимоя регистри” ташкил этилди ва маълумотларни ягона тизими ташкил этилди.

Иқтисодий таҳлилларга кўра, камбағалликни ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, кредит бериш билан қисқартириб бўлмайди. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади.

Юртимизда аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлиги биринчи марта эълон қилинган кундан бошлаб уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Барча туман ва шаҳарларда эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги тизим — «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» жорий этилди.

Бунинг натижасида улар билан тизимли, манзилли иш йўлга қўйилди. Сектор раҳбарлари ва мутасадди идоралар вакиллари ҳар бир маҳаллада ҳолат ўрганилди, ёшлар ва аёллар билан бирма-бир мулоқот қилинди, эҳтиёжлари, қизиқишлари аниқланди ҳамда шу асосда манзилли чоралар кўрилди. Ишсиз ёшлар ва хотин-қизларда мотивация уйғотиб, касбий кўникмалар шакллантириш, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва молиявий кўмак берилди. “Ижтимоий шартнома” тажрибаси кенг қўлланиш учун норматив базаси ишлаб чиқилиб Бухоро вилоятида пилот тарзда қўлланди.

Бу тизим орқали кўплаб фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши туфайли минг-минглаб фуқароларимиз меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди. Умуман, пандемия шароитида ўз ишини йўқотган аҳолини қўллаб-қувватлаш учун давлат ва ҳукумат барча чора-тадбирларни кўрди.

Камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг даромад манбааларини ошириш мақсадида “дафтар”лар билан ишлаш (жазони ўтаб қайтганларнинг ижтимоий мослашуви, ёшлар ва аёлларни психологик қўллаб-қувватлаш, уларни чет тиллари ва касб-ҳунарга ўқитиш бўйича) нодавлат нотижорат ташкилотлар имкониятларидан самарали фойдаланиш ва ҳамкорликни кенгайтириш лозимлиги белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон қарорига мувофиқ аҳолини тадбиркорликка ўқитиш ва микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларга йиллик 4 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилмоқда. Чора-тадбирларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларни барқарор молиявий манбалар билан таъминлаш зарур.

Эҳтиёжманд ва ишсиз хотин-қизларнинг кўпчилиги ўрта маълумотли, замонавий билим ва ҳунарларни эгалламаганлигини ҳисобга олган ҳолда уларни меҳнат бозорида талаб юқори касб-ҳунарларга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва муносиб иш топиш моделини ишлаб чиқиш зарур. Нодавлат марказларини жалб қилган ҳолда касб-ҳунар таълим бериш ва муносиб иш топиш тизимини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Имтиёзли ипотека кредит тури оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзанд(лар)ини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож хотин-қизларга берилади. Давлат дастури доирасида шаҳарлардан арзон квартиралар ва қишлоқ жойларидан бир қаватли уйлар ипотека кредити асосида берилади. Яшаш шароитларига яхшилашга муҳтож аёллар учун квартираларни белгилаш туман (шаҳар) ҳокимиятларида ташкил этилган ҳудудий комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-5020-сонли қарорига асосан “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган хотин-қизларга ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва ижтимоий уй-жойлар сотиб олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига:

- нотурар жойларда истиқомат қилаётган аёлларни уй-жой билан таъминлашга – 10 миллиард сўмдан;
- отасидан айрилган, ёлғиз онаси қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга – 5 миллиард сўмдан маблағ ажратилади.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармадан оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган фарзандларини тарбиялаётган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож хотин-қизларга уй-жойларнинг бошланғич бадалини тўлаб берилади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида давлат бюджетининг жами харажатлари 34,1 триллион сўмни, шундан ижтимоий соҳаларга йўналтирилган харажатлар 18,2 триллион сўмни ташкил қилди. Ушбу харажатлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 38,6 фоиз ошди.

Бу борадаги ишлар фаол давом этмоқда. Фармонга кўра, 2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан ва ундан кам пенсия олувчи шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи

миқдорида қўшимча тўлов жорий этилди. Бунда иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда 256 675 сўмдан 400 000 сўмга оширилади.


Шунингдек, белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан 565 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир ва ногиронлик бўйича пенсиялари миқдори 565 000 сўмга, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа миқдори 315 030 сўмдан 400 000 сўмга етказилади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони билан боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчи оилаларнинг барча аъзоларини қамраб олиш мақсадида уларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори 400 000 сўм ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун 150 000 сўмдан қўшилиши белгиланди. Болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа эса ойига 513 350 сўмдан 565 000 сўмга оширилаётир.

Расмий статистик маълумотларга кўра, Жаҳон банки методологияси бўйича ҳисобланган камбағаллик даражаси 2016 йилдаги 27,5 фоиздан 2019 йилда 11 фоизгача пасайган ва пандемия таъсирида 2020 йил 11,3 фоизга кўпайган (1-расм).

1-расм

Жаҳон банки методологияси бўйича ҳисобланган камбағаллик даражаси



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Камбағалликни қисқартиришнинг бош омили сифатида эҳтиёжманд оилалар учун доимий даромад топиш манбаларини яратиш ва кенгайтиришга кенг эътибор берилган.

Аҳолининг камбағал қатламини иш билан бандлигини ошириш, уларда бозор кўникмаларини шакллантириш ва мустақамлаш учун 3 та дастак жорий этилди.

Биринчи дастак, ишсиз аҳоли ва эҳтиёжманд оилаларнинг маълум бир меҳнат тури билан машғул бўлишлари учун бошланғич капитални шакллантиришни назарда тутиб субсидиялар, ер участкалари ажратилди ҳамда кредит фоизлари бўйича имтиёзлар ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдиган эҳтиёжманд оилаларга молиявий кўмак берилди.

Иккинчи дастак, ишсиз ва малакасиз аҳолини «World skills» стандартлари асосида касбга ўқитиш ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш мақсадида мономарказлар фаолияти йўлга қўйилди ва бу жараёнга нодавлат ўқув марказлари кенг жалб этилди.

Учинчи дастак, падемия шароитида ва унинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида эҳтиёжманд оилаларга тўғридан тўғри моддий ва номоддий ёрдам кўрсатиш тизими жорий этилди. Хусусан, камбағал оилаларга энг зарур озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари тарқатилди, уларнинг фарзандлари мактабгача таълим муассаларига бепул жойлаштирилиши, мактаб ўқувчиларини мавсумий кийим бош билан таъминланиши амалга оширилди. Натижада, 2020 йили 1 миллион 195 минг эҳтиёжманд оилаларга бир марталик моддий ёрдам берилди. Ижтимоий нафақа олувчилар сони 2 баробарга ошиб, 1,2 миллион оилаларни ташкил этди.


Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири хизматлар соҳасидир. Хизматлар соҳаси ҳозирда ва келажакда иқтисодий ўсишни таъминлашда, ички талабни шакллантиришда, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб қолади.

Хизматлар соҳаси нисбатан кам инвестиция ва маблағлар сарфланиши, ўзгарувчан талабларга тез мослашуви, кўпроқ иш кучига асосланганлик, кўзланган натижага тезроқ эришиш, рақамли ва инновацион технологияларни таъсири юқорилиги ва бошқа бир қатор афзалликлари билан ажралиб туради. Айниқса Ўзбекистон шароитида аҳоли бандлигини таъминлашда ва камбағалликни қисқартиришда ўзига хос ўрин борлигини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантиришда маълум ютуқларга эришилди. Кўрсатилган хизматларнинг реал ҳажми 1,6 марта, ялпи ички маҳсулотдаги хизматлар улуши 36,3 фоизга, экспорт ҳажми 1,2 марта ошди. Юқори суръатлар билан алоқа ва ахборотлаштириш (2,0 марта), таълим (1,8 марта), соғлиқни сақлаш (1,7 марта), молия (3,7 марта) хизматлари ривожланган (2- расм).

2-расм

2016-2020 йилларда хизматлар реал ҳажмининг ўсиши, марта




Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат қўмитаси маълумотлари асосида ПМТИ ҳисоб-китоблари.

Таълим соҳасига ҳусусий секторни жалб қилиш (3- расм) натижасида 3-6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан ҳамда ёшларни (18-22 ёшдаги) олий таълим билан қамраб олиш кўрсаткичларини оширишда ўз ҳиссасини қўшди.

3-расм

2017-2020 йилларда нодавлат таълим муассасаларининг ўсиш тенденцияси




Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат қўмитаси маълумотлари асосида ИПМИ ҳисоб-китоблари.

Аҳолини жумладан кам таъминланган оилаларни уй-жой билан таъминлаш борасида олиб борилган сиёсат натижасида қишлоқ жойларда ушбу кўрсаткич 2015 йилдаги 15 кв.м. дан 2020 йилга келиб 16 кв.м га кўтарилди. Республика бўйича 15,2 кв.м дан 16 кв.м. га ҳамда шаҳар жойларда мос равишда 15,4 кв.м дан 16,1 кв.м га кўтарилди.

4-расм

Аҳоли жон бошига уй-жой билан таъминлаганлик кўрсаткичининг 2015-2020 йилларда ўзгариши



Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистонда 2019 йилда Давлат бюджетининг ҳаражатлари 107,1 трлн. сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилдагига нисбатан 1,4 баравар кўп бўлиб, бунда Давлат бюджетининг ҳаражатлари асосан ижтимоий соҳаларга йўналтирилади. Жумладан, ижтимоий соҳа ҳаражатлари 57,8 трлн. сўмни ёки умумий ҳаражатларга нисбатан 54,0 фоизни ташкил этади. Бунда ушбу ҳаражатларнинг ўсиши аввалги йилга нисбатан 34,4

фоиз кўпаяди. Мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришга 4,0 трлн. сўм, умумий таълимга 17,1 трлн. сўм йўналтирилади, кадрлар тайёрлашга ажратиладиган маблағлар 3,8 трлн. сўмни ташкил этади; соғлиқни сақлашни молиялаштиришга эса, 12,1 трлн. сўм йўналтирилади ёки аввалги йилга нисбатан 30,5 фоиз ўсиш билан умумий харажатларга нисбатан 11,3 фоизни ташкил этади; маданиятни молиялаштириш учун 1,0 трлн. сўм, илм-фанга 0,8 трлн. сўм йўналтирилади.

Ижтимоий нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш ва компенсация тўловлари учун харажатлар ўтган йилдагига нисбатан 61,8 фоиз ошган ҳолда 5 267,2 млрд. сўмни ташкил этади. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” Давлат дастурларини амалга ошириш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 6,3 трлн. сўм йўналтирилади, бу эса, 478 та аҳоли пунктида турмуш шароитлари яхшиланишини таъминлайди. Давлат дастурларини амалга ошириш доирасида 2019 йилда 372 та объектда ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини реконструкция қилиш ҳамда модернизациялаш, 1 916,1 км узунликдаги сув ўтказиш тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ўрганиш мақсадида, давлат статистика органлари томонидан ҳар йили уй хўжаликларида танлама усулда кузатувлар ўтказилади. Ўз навбатида, уй хўжаликларида кузатув ўтказиш услуги Жаҳон Банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа Иқтисодий Комиссиясининг тавсияларига асосланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ўтказилади ва уларнинг сони бир йилда 10000 тани ташкил этади. Ушбу танлама кузатув ҳажми республика бўйича жами уй хўжалиқларининг 0,2 фоизини ташкил этади. 2017 йилда ўтказилган уй хўжалиқлари танлама кузатувларида 50 мингдан ортиқ аҳоли қамраб олинган бўлиб, ўртача бир уй хўжалигига 5,1 кишидан тўғри келганини кўрсатди. Жами кузатилган аҳолидан 48,7 фоизи эркалар ва 51,3 фоизи аёлларни ташкил этди. Шунингдек, ўн олти ёшгача бўлган болаларнинг улуши 25,5 фоизни, ўн олти ёш ва ундан катталарнинг улуши 74,5 фоизни ташкил этиб, республика бўйича меҳнатга лаёқатли аҳолининг улуши жами аҳолига нисбатан 58,8 фоизни ташкил этди. Сўнгги йилларда ҳукуватимиз томонидан аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш, фуқароларни ижтимоий қўллаб қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар, иш ҳақи ва пенсиялар изчил равишда ўсиб бораётгани яққол намоён бўлмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Давлатнинг инсон капиталини энг қўйи босқичларидан пухта шакллантиришга, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга, шаҳар ва қишлоқ жойлари орасидаги тафовутларини камайитиришга қаратилган сиёсати ушбу соҳалардаги ривожланиш кўрсаткичларида ўз аксини топган. Бу йўналишларда давом эттирилдиган ишлар бўйича мақсадли кўрсаткичлар қабул қилинган концепция, дастурлар доирасида тасдиқланган ҳамда уларни амалга ошириш бўйича йўл хариталари ишлаб чиқилган. Ушбу вазифаларни босқичма-босқич амалга оширилиши аҳоли турмушининг янада фаровонлашишига ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш ҳақида гапирганда, турли минтақаларда, шаҳар ёки қишлоқларда яшайдиган турли ёшдаги

одамлар, эркаклар ва аёллар учун камбағалликнинг сабаблари жуда фарқ қилишини ҳисобга олишимиз керак. Шу нуқтаи назардан, қашшоқликка қарши кураш жуда мураккаб ва кўп қиррали вазифадир. Шу муносабат билан, муҳтож одамларга тўғридан-тўғри молиявий ёки табиий ёрдам кўрсатиш орқали қашшоқлик муаммосини ҳал қилишда жиддий ижобий натижага эришиш мумкин эмаслиги аён бўлади. Албатта, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш зарур, аммо камбағалликнинг турли хил сабабларини ҳисобга олган ҳолда, унга қарши курашда ҳар қандай муҳим ютуқларга одамлар ўзларининг моддий муаммоларини мустақил ҳал эта оладиган ва ўзларини зарур даромадлари билан таъминлайдиган шароитлар яратилгандагина эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида” ПФ-29-сон фармони. 03.12.2021 йил. <https://lex.uz>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6277-сон фармони. 11.08.2021. <https://lex.uz>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-31-сон қарори. 03.12.2021 йил. <https://lex.uz>.

4. Калонов М. “Камбағалликни қисқартириш: имконият ва ҳаракатлар қандай натижа беради?” «Халқ сўзи» газетасининг 2021 йил 11 февраль 30-сони.

5. Абдураманов Х.Х. Демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг стратегик йўналишлари // Молия ва банк иши электрон илмий журнали. V сон. Сентябрь - октябрь, 2020. – 144-153 бетлар. https://journal.bfa.uz/maqola/BFA_maqola_5_son.pdf

6. Эрнazarова Н.Н. Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2021 yil. 253-258 бетлар. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/27_Ernazarova.pdf